

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# Oilav davrasida

№ 14-15  
(412-413)  
28-may  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

**КАЛЬТУРА КАДЖАЕВ**  
**КАЛТУРА КУДЧОЕВ**  
**КАЛТУРА КУТНАЕВ**  
**КАЛТУРА КУЖАЕВ**

## МЕНИНГ ИСМИМ НИМА?

**КАЛТУРА КУДЧОЕВ**  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KERAT D'G'LI  
18.05.1992  
D'ZBEK  
ABBI JON KULOVIYAT  
BULOBOUSHI, TUNANI

**КАЛТУРА КУДЧОЕВ**  
KHOJ-TURA  
KHOJZMAYEV  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**КАЛТУРА КУДЧОЕВ**  
204 **КАЛТУРА КУДЧОЕВ**  
Бухгалтерия

**КАЛТУРА КУДЧОЕВ** VISA

5-бет



**ҲАР БИР ОИЛАГА**  
ДАВЛАТ КЎМАГИ

3-бет



**Apple ХАТОСИНИ**  
ТОПГАН ТАЛАБА

4-бет

**«ТАҲҚИРЛАНГАН»**  
**АСАР**  
ЎЗБЕК ТИЛИДА

6-бет

**АЁЛЛАР**  
АНГЛАЁТГАН ҲАҚИҚАТ

7-бет



**«ЭРИМНИНГ**  
**ФАМИЛИЯСИ**НИ  
ФАРЗАНДИМГА  
КЎЙМАЙМАН»

8-бет

**ЭРКАЛАНГ,**  
**ҚУЧОҚЛАНГ...**  
АҚЛЛИ БЎЛАДИ.

9-бет

**ОСМОНГА**  
БОРАДИГАН АВТОБУС

11-бет

«Оила даврасида» газетасига

# 2020 йилнинг 6 ойи учун ОБУНА

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқиниянгиз мумкин бўлган эркин минбар!



ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна индекси — 193

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

## Шавкат МИРЗИЁЕВ:

## БЕПАРВОЛИК

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ БАРЧА ИШЛАРИМИЗ НАТИЖАСИНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШИ МУМКИН

«Соғлиқни сақлаш вазирлиги «қизил» ва «сарик» худудларда кунлик тест олиш сонини ошириши лозим. Бунда тиббиёт муассасалари, бозорлар, банклар ва аҳоли кўп жойларда назорат тестлар олишни кўпайтирсин». Ўзбекистон Республикаси Президенти 26 май куни ўтказган видеоселектор йиғилишида бу алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Кейинги кунларда коронавирус билан касалланганлар сони республикамызда ҳам кўпайганлиги қайд этилмоқда. Айтиш керакки, аксарият ҳудуд ва корхона раҳбарлари, фуқароларимиз карантин чораларининг юмшатирилганини «касаллик тугади» деб, нотўғри қабул қилмоқдалар.

Бугунгача чет элдан олиб келинган фуқароларимиз сони 47 мингташи ташкил этмоқда. Афсуски, уларнинг, айниқса кейинги икки ҳафта давомида кириб келганларнинг аксариятида коронави-

рус аниқланган.

Беморларнинг қарийб 50 фоизини ҳам хориждан келган фуқаролар ташкил этади. Кейинги 10 кунда 3,5 минг одам ҳаво йўллари, 7 мингга яқин ватандошимиз чегара постлари орқали юртимизга кириб келиши кутиляпти. Бунга қўшимча яна 100 минг нафардан ортиғи Ўзбекистонга қайтиш истагини билдириб, навбат кутмоқда.

Фуқароларимиз қайтиб келаётган давлатлар ҳамда қўшни мамлакатлардаги вазиятнинг оғирлигини ҳисобга олиб, хотиржамликка берилиш мумкин эмас.



Айниқса, бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларида турли тадбирлар ўтказиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш учун қилаётган барча ҳаракатларимиз, бюджетдан олинаётган триллионлаб харажатларимиз натижадорлигини йўққа чиқариши мумкин.

Республика комиссияси вилоят ҳокимлари билан бирга бир кун муддатда эпидемиологик вазият ёмонлашган ҳудудларнинг тоифасини қайта кўриб чиқсин ҳамда карантин чораларини кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

Шу ўринда бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқчиман. Пандемиянинг иқтисодийта таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилдик. Лекин жойларда ушбу қарорлар ижросини ташкил этиш оқсоқда, яратилаётган шароит ва имтиёزلарни фуқаролар ва тадбиркорларга манзилли етказа олмапмиз.

Олий Мажлис палаталари жойларда халқ депутатлари кенгаши билан бирга пандемияга оид Президент қарорлари ва топшириқлари ижроси юзасидан парламент ва кенгашларнинг таъсирчан назоратини йўлга қўйиш кутилган натижа бериши мумкин.

Шунингдек, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирлар ҳар ойда бир марта Президент қарорлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, оммавий ахборот воситалари, парламент вакиллари ва кенг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш.

OILA  
ДАВРАСИДА

# АЁЛИНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛМАГАНЛАРНИ ким деб аташ керак?

Йигитлар ҳақида сўз кетса, албатта, уларни ҳимоячилар, деб атаймиз. Улар Ватан тинчлиги, оиласининг хотиржамлиги учун кўксини қалқон қила олади.

Бирок, афсуски, бу юксак шарафга ҳамма йигитлар ҳам муносиб, деб бўлмайди. Чунки оиласини, болаларини тарк этиб, ўз ҳузур-ҳаловати учун яшайдиган эркеклар ҳам йўқ эмас.

Наманганлик бир эркек турмуш ўртоғини тўрт фарзанди билан ташлаб кетган. Бошқа аёлга уylanгач, болаларидан хабар ҳам олмай қўйган.

Фарзандларидан бири ногирон бўлган 32 ёшли аёл эса болаларини боқишга қийналиб келган. Ночорликдан отадан алимент ундиришга ҳаракат қилган. Бундан ғазабланган эркек эса келиб аёлни уриб, таҳқирлаш билан жавоб қайтарган.

2019 йилда зўравон эркек аёлни мажбурлаб «алимент учун 16 миллион сўм олдим», деб тилхат ҳам ёздирилган. Бу йил ҳам у шу «сценарий»ни такрорламоқчи бўлган. Аммо аёл бунга рози бўлмади.

Эр эса бир ҳафта давомида ҳар куни келиб аёлни уриб-сўқишни қанда қилмайди. Аёл эса ноилжликдан профилактика инспекторига мурожаат қилган.

Шундай пайтларда ёши улуглар ўртага тушса, панд-насихат қилса вазият сал ўнганармиди? Афсуски, эркекнинг отаси ҳам ўғлига қўшилиб, келини ва набираларини уйдан ҳайдашга уринган. Таассуф... Наҳотки, келин бегона бўлса ҳам тўрт жуфт қора кўз жигарингиз, ҳаётингиз давомчилари эканини унут-

ган бўлсангиз? Қондош одамларни бир-бирига тортиб турадиган ришта қаерда қолди? Ахир бу ришта ҳатто ҳайвонларда ҳам бор-ку?!

Аёлнинг мурожаатидан сўнг зўравон эркекка нисбатан маъмурий иш очилди. Аёлга 30 кун муддатга ҳимоя ордери берилиб, оиллага маҳалла отинойиси мураббий этиб бириктирилди.

Бу чоралар, албатта, ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Эркекнинг кўзи очилгандай бўлди. У оиласини қаровсиз қолдирмаслик ҳақида сўз берди.

Афсуски, бундай вазиятга тушаётган аёллар кам эмас. Шунинг учун ҳам Хотин-кизларни ҳимоя қилиш, уларга кўрсатилмоқда. Бу жараёнда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

— «Ишонч телефони»дан ташқари марказимизнинг худудий бўлимларига ҳам турли масалаларда мурожаатлар тушиб турибди, — дейди Республика реабилитация мослашув маркази раҳбари Насиба Миродилова. — Жорий йилнинг январь ойидан бери 5 мингдан ортик кўнғироклар қабул қилинди. Мурожаат қилувчиларга шу заҳоти психологик, ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Амалий ёрдам бериш зарур бўлган ҳолатларда эса реабилитация марказларига жойлаштирилмоқда.

Айни пайтда Реабилитация марказларида оилавий зўравонликдан жабр кўрган 50 нафарга яқин киши жойлаштирилган бўлиб, асосий қисми аёллар ва болалардир. Уларга ҳуқуқий,



кўрсатилмоқда. Бу жараёнда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

— «Ишонч телефони»дан ташқари марказимизнинг худудий бўлимларига ҳам турли масалаларда мурожаатлар тушиб турибди, — дейди Республика реабилитация мослашув маркази раҳбари Насиба Миродилова. — Жорий йилнинг январь ойидан бери 5 мингдан ортик кўнғироклар қабул қилинди. Мурожаат қилувчиларга шу заҳоти психологик, ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Амалий ёрдам бериш зарур бўлган ҳолатларда эса реабилитация марказларига жойлаштирилмоқда.

Айни пайтда Реабилитация марказларида оилавий зўравонликдан жабр кўрган 50 нафарга яқин киши жойлаштирилган бўлиб, асосий қисми аёллар ва болалардир. Уларга ҳуқуқий,

психологик, тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Азалдан бағрикенглик билан ном чиқарган, болажонлиги тилларда достон бўлган халқимиз учун юқоридаги каби ҳолатлар рўй бераётгани аслида муносиб иш эмас. Ноҳус ҳолатлар гарчи санокли бўлса ҳам ён-атрофимизда содир бўлмоқда, демакки, бунда сизу бизнинг ҳам айбимиз бор. Ахир тўрт боласини ташлаб кетган эркекка биздан эмаслигини юзига айта олганимызда, у билганини қилиб юрмасди. Зеро, азалдан аждодларимиз элга муносиб иш қилмаган одамларни элга қўшмай, қаттиқ маънавий таъсир кўрсатиш амалиётини қўллаб келгани сир эмас. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз учун «элда бош кўтариб юриш» ҳаёт-мамонт масаласи бўлиб келган.

Бефарқ бўлмайлик, эл бўлайлик, элдан чиқмайлик!

Норгул АБДУРАИМОВА,  
Ушба

# ҲАР БИР ОИЛА ДАВЛАТИМИЗНИНГ КЎМАГИНИ ҲИС ҚИЛИШИ ЛОЗИМ



Юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшashi, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мезони, фаолиятимиз ва ҳаётимизнинг асосий тамойили бўлиши керак.

Юртбошимиз Андижон вилоятда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижаси билан янгилишни мақсадида кун кеча ушбу ҳудудга амалга оширган ташрифи давомида мазкур ҳаётий масалага эътибор қаратар экан, масъуллар олдида бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш вазифасини қўйди.

Инсон қачон ўз умридан, ҳаётидан тўлақонли мамнун бўлади? Қачонки, бошпанаси, иши тайин бўлса, оиласи, болалари қуршовида яшаса, жамиятга, шу юртга ўзининг керакли эканлигини ҳис қилса, буни ўз ҳаётида кўрса.

Давлатимиз раҳбарининг республикамиздаги аҳолиси энг зич ҳисобланадиган мазкур вилоятга икки йил муқаддам – 2018 йил 20 май кун қилган ташрифи давомида ҳам бу мулоҳазаларни билдириб, Андижон шаҳрида қад ростлаётган янги уй-жойларни янада кўпайтириш, кўшимча турар жойлар қуриш ҳисобидан имкон қадар одамларни сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича топшириқлар берганди.

Президентимиз мазкур кўрсатма асосида сўнгги уч йил давомида илғор шаҳарсозлик андозаларига мос равишда қад кўтарган 1 минг 798 хонадондан иборат 41 та кўп қаватли уйларни кўздан кечириш асносида Андижон шаҳар «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи хунарманд тadbиркор Шавкат Бобоев оиласида бўлди ва яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Мутасаддилар олдида аҳолини турар жойлар билан таъминлашни изчил давом эттириш вазифасини қўяр экан, «камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замани – уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзгорини оёққа кўйиб олади», дея таъкидлаб ўтди.

Мазкур уйлarda барча шароитлар яратилган бўлиб, ҳовлисида дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, автотураргоҳ барпо этилган.

Юртбошимизнинг вилоятга қилган ташрифидан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда бу борада мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланишдан иборат бўлди.

Шу мақсадда, энг аввало, Марҳамат туманидаги «Водий ҳамкор агрофирмаси» томонидан ташкил этилган куёнчилик кластери билан ҳам танишди. Бир йилда жами 3 миллиард сўмликдан зиёд махсулот ишлаб чиқариш, 150 минг долларлик экспорт қилиш имкониятига эга мазкур кластер тажрибасини оммалаштириш, белгиланган лойиҳалар доирасида кооперация усулида хона-

донларда куён боқишни кенг йўлга қўйиш, куёнчиликни 1 миллион бошга етказиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Ипотека банк томонидан Хитой технологияси асосида балиқ етиштириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, шу орқали аҳолини иш билан таъминлашнинг яна бир тармоғига асос солинишига доир ўзининг зарур маслаҳатларини берар экан, жумладан, шундай деди:

– Андижонда чорва кам, гўшт бошқа жойлардан олиб келинати. Куён, парранда, балиқ кўпайтирилиб, гўшти истеъмолга чиқарилса, вилоятда гўшт нархи тушади. Камбағал оилаларга тарқатилиб, кластерлар томонидан қайта сотиб олинса, уларга даромад бўлади. Иқтисодий комплекс ва сектор раҳбарлари шу билан шуғулланиши керак.

Давлатимиз раҳбари «Замонавий кишлоқ» лойиҳаси доирасида Пахтабод тумани Бўстонбод кишлоғи ҳамда Қўрғонтепа туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласи учун дастлабки қадам сифатида режалаштирилаётган ишлар билан танишар экан, бу борада Андижон тажрибасини яратиш кераклигини таъкидлади. Сабаби мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасаси, «Book safe», мини-банк шохобчаси, спорт-кўнгилочар масканлар, автобекат каби аҳоли учун энг зарур инфратузилмани ўзида мужассам этган бу каби замонавий кишлоқлар эртага ҳеч бир шаҳардан қолишмайдиган масканга айланиши, шубҳасиз.

Ёшлар – бизнинг келажагимиз, бугунги ишларимизнинг эртанги давомчилари. Президентимиз қаерга бормасин, ўша ҳудуд ёшларининг ўй-кечинмалари, орзу-истаклари билан танишади, уларнинг мақсад ва режаларини бирма-бир кўздан кечириб, зарур ёрдамлар кўрсатади.

Андижон шаҳридаги Digital City номили технопарк фаолияти билан танишиш асносида бу ерда иш олиб бораётган ёшлар билан суҳбат курди, уларни доимий ўрганишга, изланишга чорлади. Келажагини шу соҳа ривожини билан боғлаган, кўзидаги шижоату ғайратдан эртанги кунга бўлган ишончи сезилиб турган ёш мутахассисларга янада ғайрат билан меҳнат қилишга, кўпроқ билим эгаллашга илҳомланганди.

Суҳбат асносида, «сизлар бошқалардан 10-15 йил олдин юришларингиз керак. Энг долзарб йўналишлар бўйича дастурий махсулотлар яратиш, халқимизга ва хорижликларга қулай хизматлар кўрсатиш, ҳам оилангизга, ҳам жамиятимизга наф келтиришингиз мумкин», дея таъкидлаб ўтди.



*Мутасаддилар олдида аҳолини турар жойлар билан таъминлашни изчил давом эттириш вазифасини қўяр экан, «камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замани – уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзгорини оёққа кўйиб олади», дея таъкидлаб ўтди.*

Вилоятда бошқа ҳудудларга нисбатан аҳоли зичлиги анча юқори. Бу эса ёшлар бандлигини таъминлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Биргина 2019/2020 ўқув йилида 40 мингдан зиёд ўқувчи вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 11-синфини тамомлашнинг ўзи бу қанчалар долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масала эканлигини кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбари ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, олий ўқув юртига киролмаган ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг қизиқиш ва лаёқатини ўрганиш, касбга йўналтириш бўйича топшириқлар берди.

Андижон шаҳрида ўтказилган йиғилишда мазкур вазифалар, шунингдек, ишсиз оилаларни тadbиркорликка йўналтириш бўйича 353 миллиард сўм кредит, Тиклиниш ва тараққиёт жамғармасидан 20 миллион доллар ажратилишини маълум қилди. Президентимиз мазкур масалаларга оид ҳар бир жараён ва ундаги кичик жиҳатларга ҳам жиддий эътибор қаратар экан, бундан кўзланган асосий мақсадларини айтиб ўтди:

– Мени энг кўп ўйлантирадиган масала – ёшлар ва хотин-қизлар. Уларга эътибор, кўмак керак. Билими, қўлида касб-ҳунари бўлса, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади, дунёқарashi ҳам бошқача бўлади. Ота-онаси, оиласи ҳам давлатдан рози бўлади.

Юртбошимизнинг Андижон вилоятига қилган ташрифи ҳамда унда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳозирги вақтда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан аниқ режалар ишлаб чиқилди. Унга асосан, ҳудудда иш тартибини «маҳаллабай» тарзда олиб бориш натижасида мавжуд реал ҳолатлар аниқланади. Бунда эҳтиёжманд ва

камбағал оилаларни қисқартириш ишларига устувор вазифа сифатида қаралади. Айниқса, вилоятдаги 40724 та ёрдамга муҳтож оилаларга манзилли кўмак кўрсатиш бўйича сектор раҳбарлари билан аниқ чоралар қўрилади.

Камбағал оилаларнинг моддий имкониятларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш мақсадида фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларнинг рўйхати ҳар бир маҳалла кесимида уйма-уй аниқланади ва уларнинг аниқ рўйхати шакллантириб борилади. Бунда эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бири билан индивидуал суҳбатлар ўтказилади.

Айтайлик, суҳбат давомида маълум бир оиланинг неча йиллар олдин ўз хунармандчилик устахонаси бўлганлиги ҳамда молиявий қийинчилик сабаб унинг фаолияти тўхтаб қолганлиги аниқланди. Вазирлик ва ҳудудий бошқарма вакиллари билан иборат Ишчи гуруҳ оиланинг тўхтаб қолган бу тadbиркорлик фаолиятини қайта йўлга қўйиш мақсадида зудлик билан муаммонинг туб сабаблари аниқланади ҳамда уни бартараф этиш бўйича мавжуд имкониятлар ўрганиб чиқилади. Оилага молиявий, ҳуқуқий кўмак берилади.

Шу билан бир қаторда, ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш истагини билдирган шахслар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Энг муҳими, бир оила мисолида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ҳар бир кўмакнинг фуқароларимиз ҳаётида акс этишини таъминлаш учун барча имкониятлар сафарбар этилади.

**Раҳмат МАМАТОВ,**  
Маҳалла ва оилани  
қўллаб-қувватлаш вазир

# КОРОНАВИРУС

## Дунёга яна қандай таҳдид солмоқда?

### Карантиндан чиқаётган олам

Дунё аста-секинлик билан карантиндан чиқмоқда. Мисол учун, Мадрид ва Барселонада яқинлар билан учрашувларга рухсат берилди, айвонли кафе, барлар очилмоқда. Атлантика океани кумли соҳилларида, шунингдек Андалусия минтақасида жойлашган испан пляжлари ишлаш бошлади.

Ҳозиргача айна манзиллар фақат спорт билан шугулланиш учунгина очик эди. Пляжларда дам олишга рухсат берилган бўлса-да, соғлиқни сақлаш тизими маҳаллий хизматчилари кирувчилар сонини чегаралаш, қолаверса, химоя экранлари ўрнатиш ва соябонларни тўрт метрлик оралик масофани сақлаган ҳолда жойлаштиришни тавсия этмоқда.

Чехия кўчаларида тиббий никоб тақиб юриш мажбурийлиги бекор қилинган, меҳмонхоналар, фитнес марказлари, сауналар, ресторан, кафелар очилапти, иштирокчилар сони

300 нафаргача бўлган оммавий тадбирлар тикланяпти.

Грецияда 25 майдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари ишлаш бошлади, ороларга чиқишга рухсат берилди. Мамлакатга сайёҳларни қайтариш чоралари кўрилмоқда — эпидемик вазият яхши бўлган давлатлардан келадиган хорижликлар учун коронавирустга тест натижаси талаб этилмайди.

Қирғизистонда жамоат транспорти ҳаракати тикланди, Бишкекда музейлар, кафе ва бассейнлар ишлаш бошлади.

Ҳаммадан олдин карантиндан босқичма-босқич чиқа бошлаган Германияда, афсуски, кейинги кунларда зарарланмиш ўчоқлари қайд этилиши давом этди. Иккита йирик ўчоқ гўшт комбинатларида топилди.

Туркияда эпидемиологик вазият Европадагига нисбатан қулайроқ. Тиббиёт ходимларининг эътирофига, ҳукумат фуқароларни оммавий равишда тестдан ўтказишни бошлаб, вирус

аниқланган кишиларни зудлик билан яққалаб, тўғри қарорлар қабул қилган.

Душанба куни Франция ҳукумати изоляция тартибларини юмшатишнинг янги босқичи бўйича йўл харитасини тақдим этди. Мазкур ҳужжат бар ва рестороанлар, шунингдек меҳмонхоналар ва кемпинглар очилиши эҳтимолини назарда тутувчи йўриқномадан иборат бўлади. Қолаверса, французларга таътилни қандай ўтказиш мумкинлиги тўғрисида ҳам тушунтириш берилди.

### Янги тўлқин хавфи

Аммо Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавируст пандемиясининг иккинчи тўлқини ҳақида огоҳлантирмоқда. Коронавирус эпидемиясининг пайиши кузатишган давлатлар, агар улар назоратни заифлаштира, эпидемиянинг иккинчи тўлқинига дуч келишлари мумкин.

Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг



кўплаб мамлакатларда акс этади. Шу билан бирга, пандемиянинг иккинчи босқичи мавсумий грип пайтига тўғри келиши мумкин. Шу муносабат билан, дунё мамлакатлари коронавируст учун тестларни тўхтатмасдан, соғлиқни сақлаш соҳасида кенг камровли чораларни кўришни ва унинг тарқалиш йўллари ўрганишда давом эттиришлари керак», — деди Райан.

### Глобал инқироз

Жаҳон банки COVID-19 пандемияси 60 миллион кишини ўта қашшоқ аҳволга тушириб қўйиши мумкинлигини огоҳлантирмоқда.

Халқаро энергетика агентлиги ҳисоботига кўра, 2020 йилда энергетика соҳасига глобал инвестиция киритиш 400 миллиард АҚШ долларига қисқаради ва бу тарихдаги энг йирик пайиш бўлади. Нефт-газ соҳасида ҳам инвестициялар 32 фоизгача камайдди. Истеъмолчиларнинг нефт харажатлари 2020 йилда қарийб 1 триллион долларга пасаяди. Электр энергияси соҳасидаги даромадлар 180 миллиард долларга камайдди. Буларнинг барчаси — тўловларни амалга оширмаслик кўпайгани билан боғлиқ.

### Қўшниларда нима гап?

#### Тожикистонда коронавируст туфайли тўйлар тақиқланди

Коронавируст туфайли Тожикистон расмийлари тўй тантаналарини ўтказишни тақиқлади. Яқинда мамлакат Анъана, урфодат ва дин ишлари кўмитаси эпидемиологик вазият яхшилангунга қадар фуқаролар тантаналар ўтказишдан воз кечини лозимлиги борасида қарор қабул қилди.

«Коронавируст инфекцияси тарқалиши туфайли ва COVID-19га қарши туриш республика штабининг тавсиясига биноан биз кўмитанинг маҳаллий бўлимларига фуқаролар тўй тантаналарини ўтказмасликлари борасидаги қарорни бердик», дея маълумот берган кўмита матбуот котиби Афшин Муқим.




ФХДЭнинг маҳаллий бўлимлари аввалгидек никоҳларни қайд қилаверади, фақат бу тадбирлар тантанали равишда ўтказилмайди. Душанбадаги «Дилор» ресторани маъмури Жамила Қадамованинг сўзларига қараганда, Рамазон ойида муассаса ёпик бўлганига қарамай 110 га яқин ходимга маош тўланган. Шу вақт мобайнида буюртмалар олинган, никоҳдан ўтувчиларнинг айримлари банкет ўтказиш бўйича гаров пули ҳам ташлаб кетишган. Энди эса улар пуллари қайтарилишини сўрамоқда. Бу каби ҳолатлар кўплаб тўйхоналарни қийин аҳволга солиб қўйган.

#### Қозоғистонда президент сайловларида ўзгаришлар бўлади

Қозоғистон президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 25 май куни сиёсий партиялар ва сайловлар тўғрисидаги қонунчиликка киритиладиган қўшимча ва ўзгаришларга оид қонунни имзолади.

Ўзгаришлар рўйхатдан ўтмоқчи бўлган сиёсий партиялар аъзолари сонини 40 мингдан 20 мингга камайтиришни кўзда тутди. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг сайлов рўйхатига аёллар ва ёшлар учун квота ўрнатилади — бу икки категориянинг ҳар бири учун қамида 30 фоизлик квота белгиланган бўлади.

Экспертлар ва фаоллар фикрича, қонуннинг бу қос-



метик янгиланиши чекловлар моҳиятини деярли ўзгартмайди. Аммо мамлакат ҳукумати-

нинг таъкидлашича, ўзгаришлар 18 миллионлик аҳолига эга бўлмиш мамлакатда сиёсий партия ташкил қилиш тартибини енгилаштирилади ҳамда ёшлар ва хотин-қизларни сиёсатга жалб қилиш учун ижобий самара беради. Ҳужжатни танқид қилувчиларнинг фикрича эса, парламентга мустақил номзодларни илгари суриш учун имконият бермайди ва партия майдонидаги вазиятни ўзгартмайди.

Қозоғистонда расман олтига партия рўйхатдан ўтган.

#### Apple хатосини топган туркменистонлик талаба мукофот олди

Туркменистонлик Алмаз Сеидов ўз телефонидаги хатонини топди ва бу ҳақда Apple компанияси вакилларига маълум қилди. Улар эса хатонини тан олиб, ақлли йигитга 3,5 минг АҚШ доллари миқдориди мукофот жўнатди.

Туркиянинг Hürriyet нашрининг хабар беришича, 22 ёшли Сеидов икки йил муқаддам Туркияга келган ва Кастамона университетининг математика факультетига ўқишга кирган. У университет таълим жараёнидаги технологиялар ва Apple дастурларидаги тизимли хатоларни топиш билан шугулланган.

Сеидов бундан аввал ҳам Apple маҳсулотларидаги тизимли носозликларни топган эди. Бунга қадар йигитча ўз дўстининг телефонидаги Apple



хатосини топган ва 250 лира ютиб олган эди.

Бу гал у «Apple Store»да ўйин юклаш вақтида носозликни пайқаб қолди ва вазият борасида компанияга маълум қилди. Шундан сўнг компания Сеидовни 25 минг лира билан мукофотлаб, миншадорлик мактуби йўллаган.

Алмаз Сеидов эндиликда бошқа компаниялар маҳсулотлари операцион тизимларининг хатоларини топиш билан ҳам шугулланмоқчи.











«Биласизми?.. Менимча билмайсиз! Йўқ... биласиз, аммо эътибор бермайсиз – шуниси тўғрироқ. Ҳар бир бола ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиши учун ота-онасининг кучоқлаши ва эркаллашларига сув ва ҳаводек эҳтиёж сезади. Ҳиссий муносабатлар, болаларимизни бахтиёр қилиши билан бирга, бахт улаша олиши учун ҳам керак. Мавзуни қизиқиб ўқияпсизми: демак ё болангизни кўп кучоқлаб, кўп эркалайсиз ёки аксинча, умуман бу ишни қилмайсиз. Демак, бу гапларнинг илмий исботи...»

## ЭРКАЛАНГ, ҚУЧОҚЛАНГ... АҚЛЛИ БЎЛАДИ

### Кўпроқ ўпинг

Калифорниялик профессор Алан Шор олиб борган тадқиқотлар натижаси шунга кўрсатдики, ота-онаси етарлича кучоқлаган, ўпган болалар миёсида нейронлар сонини кўплиги ва фаоллиги билан ажралиб туради. Бундай болакайларнинг боши МРТ текширувидан ўтказилганда, миё хажми ҳам меҳрга тўйинмаган болаларникига қараганда, каттароқ эканлиги маълум бўлди. Ота-онаси билан ҳиссий яқинлиги кўп болалар тенгқурларига қараганда ақлроқ бўлиши ҳам фанда исбот топган. Кучоқлаш ва ўпишни бола миёсига қандай алоқаси бор дейсизми? Унда эшитинг: умри давомида ҳар бир бола миёсига нейронлар ривожланиб, мустаҳкамланади. Нейронлар сифати ва миқдори ҳар бир боланинг ақлий салоҳиятига ўз таъсирини кўрсатади.

### Кўпроқ кучоқланг

Болаликдан эркаллашлар, ўпинг ва ачомлашга тўйинган болалар улғайгач ҳаётдаги турли хил салбий воқеаларда ўзларини йўқотиб қўйишмайди. Чунки бола ота-онаси (айниқса онаси)нинг қўл тафтини, меҳрини хис қилиб улғайса, стрессга мойиллиги камаяди. Бундай болалар ўзларини доимо керакли ва ҳимоялангандек сезишади. АҚШнинг Гарвард университети профессори Мари Кларксон ўзининг илмий ишида шунга исботладики, кам меҳр кўрган, ота-онасининг қўл тафтини, яъни меҳрини дярли хис қилмаган болаларда қон босимининг ошиши кўп кузатилади. Бу эса кўпинча жиззакилик, хавотирлилик, йиғлоқлик билан намён бўлади. Оқибатда инсон



болалик хатти-ҳаракатини ўзи англамаган ҳолда катта ҳаётга кўчиради. Яъни жисмонан улғайган бўлса-да, ота-она тафти орқали олинмаган меҳр етишмовчилиги туфайли, вақти-вақти билан ўзини боладек тутишни бошлайди. Бу ҳолатларнинг олдини олмоқчи бўлсангиз, фарзандингиздан бор меҳрингизни аяманг, уларни эркалаш, кучоқлашни одат қилинг.

### Бахтиёрлик эликсири

Шуни билингки, кучоқлаш орқали гўдакда ижтимоий мослашувчанлик, яъни хайрихоҳлик, меҳрибонлик шаклланади. Бу орқали болаларимизда сезимли бўлиш билан бир қатор-

да, сева билиш, меҳр кўрсатиш туйғулари ўз-ўзидан шаклланади.

АҚШ Майами штатида тиббий институтлар томонидан ўтказилган ижтимоий суриштирувлар натижаси шунга кўрсатадики, ота-онанинг тафти орқали хис қилинадиган меҳрга тўйинмаган болалар улғайгач оила қуришда, айниқса фарзанд тарбиясида муаммоларга дуч келишади. Юқоридагиларни инобатга олиб шунга ҳулоса қилиш мумкин: қандай кайфиятда бўлишингиздан қатъи назар, болангизни ўпинг, кучоқланг, эркаланг, яхши кўринг. Фақат шу орқали фарзандингизни чинакамига бахтиёр этасиз.

Гулноза НАФИС,  
психолог, журналист

## Карантин пайтида ИММУНИТЕТНИ КЎТАРУВЧИ ОЛТИТА ИЧИМЛИК

«Шифокор карантин пайтида иммунитетни кўтарувчи олтиита ичимлик ҳақида маълумот берди, деб ёзади «Xabar.uz» нашри.

Шифокор-эндокринолог Екатерина Янг коронавирус пандемияси туфайли эълон қилинган карантин даврида иммунитетни мустаҳкамлаш учун қандай суюклик истеъмол қилиш кераклиги хақида маълумот берди.



Унинг фикрича, мойчечак чойи ажойиб профилактик восита ҳисобланади. Таркибидаги ҳамзулен яллиғланишга қарши курашиш хусусиятига эга бўлиб, тери, томоқ ва нафас йўлларидаги бактериал инфекцияларда шип ва қизаришнинг олдини олади.

Яллиғланишдан қийналаётган одамлар кунига 1-4 пиёла мойчечак дамламасини ичиши ёки ташки қўллаши лозим.

Занжабил ва ялпизли чой ҳам сафро ҳайдовчи ва яллиғланишга қарши курашувчи кучли восита саналади.

«Занжабил қондаги қанд ва холестерин даражасини назоратта олади, ялпизли чой эса таъсирланган ичак синдроми аломатларини енгилаштирилади, спазмолитик ва антимикроб хусусиятларига эга», — деб ёзган мутахассис ўз «Instagram»ида.

Бундан ташқари, энг фойдали ичимликлар рўйхатига кўк чой ҳам киритилган, у «антиоксидант таъсирга эга энг яхши ичимликлардан бири». Шунингдек, куркумали чой («унинг антиоксидантлари иммун функцияни қўллаб-қувватлайди ва оксидловчи стрессни бартараф этади»).

Олтинчи ўринни Жанубий Американинг рамзи бўлган мате ичимлиги эгаллади. Таркиби — қурилган йерба мате барглари: улар озик моддалар, витаминлар, минераллар, антиоксидантлар, ошловчи моддалар, аминокислоталар ва хлорофиллга бой.

«Чой ичаётганда ахволингизга эътибор беринг. Ҳаддан ташқари кўп чой диарея ва аллергия реакцияларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда кунига 1-2 пиёла чой ичган маъқул. Бу акс таъсирлар хавфини камайтиради», — дея маслаҳат беради эндокринолог.

## Гилос – қувват манбаи

Айни паллада гилоснинг етилиб пишган пайти. Жамики меваларнинг султони деб айтса арзийди. У шифобахш мева бўлиш билан бирга, эрта баҳорда унинг гўж-гўж очилган гуллари дилларни яйратади, хуш кайфият армуғон қилади. Ялтирок барглари эса инсонга завқ-шавқ бағишлайди ва у киша эпипладиган тузламаларга ишлатилади. Чунки, антисептик хусусиятга эга.

Эртапишар гилос май ойида етилади. Гилоснинг тўқ қизил ва сарик навлари бор. Гилос қувват бағишловчи неъмат сифатида тавсия этилади. Гулдан бот касаллигини даволашда

фойдаланилади. Гилос қайнатмаси ёки шарбати иситма туширувчи, шамоллашда қувват бағишловчи восита сифатида тавсия этилади.

Кўз ўткирлигининг пасайишида ҳар кун 300 гр. янги узилган гилос истеъмол қилиш керак

Гилос мевасида 19,2 фоиз канд, 1,3 фоиз органик кислоталар, пектин, В1, В2, РР, С витаминлари, коратин, калий, магний, фосфор, темир тузлари бор. Уруғида 30 фоизга қадар мой, 1 фоиз эфир мойи мавжуд.

Янги ва қурилган мевалари ич суриш хусусиятига, гуллари ва баргларида тайёрланган малҳами

яраларга, сепкилларга қўйилади. Беш ошқошиқ қурилган гилос мевасига 4 стакан қайноқ сув қўйилади, 4-6 соатга дамланади ва сўнгра сузилади. Кунига 3-4 маҳал 1 стакандан овқатдан олдин, иштаҳани очиш учун умумий қувват бағишловчи восита ўрнида ичилади. Икки ошқошиқ қурилган гилос устига 2 стакан қайноқ сув қўйилади, 15 дақиқа паст оловда қайнатилади, тиндириб сузилади. Суткасига 3-4 маҳал ярим стакандан сийдик йўлидаги тош касалликларида ичилади.

Гижжадан фориг бўлишда ҳам қўлланилади. Ярим литр сувда 25



гр. гилос дамланади. Дамланма тушлиқдан олдин 20-30 кун давомида ичилади.

Ичбуруғи дардига ҳам даво бўлиб, 100 гр. гилос 3,5 ст. ўткир қизил вино билан аралаштирилади. Қуёш остида 2 кун тиндирилади. Катталарга 1 стакандан, кичикларга 1 ош қошиқдан кунига 3 маҳалдан ичилади.

Шоира БЕКЧАНОВА,  
табиёт фанлари номзоди










Шиддатли ҳужум	Салжук-бекнинг набираси	Монголия чорвадори	Гул тури	Отанинг ака-укаси	Моторусуми (япон)	... ахлоқ	Кўми-лувчи бомба	Узум нави	Термин	Атир тури	Чин, тўғри	Зиён, путур	Швейцариядаги шаҳар	Хали...	Дуо охири	Йирик адабий жанр
					Буви (шевада)				Зайл, асно				Жўнат!			
Боғлам					Ёзувчи, ижодкор				Пакана буйвол				Сан... (фестиваллар шаҳри)			
... говур					Бўлма, уй қисми				Эҳромлар юрти				... сирим			
					Қадимги чўт				Шошмасдан				Кўлга куйилган диган буюк			
Бола-лар чўпаги		Сафина (ханан рус)	Шеър ижод-кори		Дукчи ... (ғузго-лончи)	Узум нави	Очун, дунё	Зиддият, нифок	Чет элга чиқиш ҳуқуқи	Буюк ... йули	Пилла-поя	Тонг, сахар	Эп, маҳорат	Андиз тури	Арава	Висолга етиш
...-луш				Юк маши-наси					Вело-сипед русуми				Хафа, хомуш			Хинд олими
Шлако-... (бетон гишт)					Суяк ёғи				Италия-даги кийшиқ минора				Жоним-ни ... бу каро кузлар			
Етим...					Гулдон				Мева номи				Ғоят, жуда			
					Хаста-... (обида, Тошкент шаҳри)				Кон сурувчи хашорат				Афзал, ортик, яхши			
Машҳур автоком-пания номи	Бехосият	... кесил	Нарвайн (шевада)		Компост	... чиктир	Блэйр (вазир)	... наво (товар баҳоси)	Умрбод, мангу-лик	... Кари-мова (актриса)	Умр боқий пайғам-бар		Қизлар исми	Жамият бўлаги	Кийшиқ квадрат	Чет эл-ширин-лик илч фирма
Даврамизга ... келиб-сиз!				Ким?...? Қачон?				... балаңд					Мозель дарёси ирмоғи			
Осмон қатлами					Жангчи ариғи				Сабабли туфайли				Селин ... (хован.)			
Манчестер... (шаҳар Англия)					Игна				... база				... тешиқ			
					Чўзилув-чан конфет				Тогдаги жарлик				Истило, ишғол			
Савод, дарс		Исроил-даги шаҳар	... Таен (адиб)		Фойда-сиз, беҳуда	Контрас модда	Арабча «А» харфи	Совутгич (Самар-қанд)	III шахс кўplik	Жўғи, мултон	...-упа	Комил, барка-мол	Қозоқ баҳши	Замбу-руг	Дудок, лаб	Роберт де ... (актёр)
Тўх... хо...				Бошлиқ, раҳбар				Ҳам фарз, ҳам ...					Санъат тури			Безак тури
Симба-нинг амакиси					Муъта-дил				Аваз ... (шoir)				...-жой			
Балиқ уруғи					... Черя-зова (спортчи)				Тулки (русча)				Ошбол хушбўй уруғ			
					Ис, буй				Пой-тахти-Бағдод				Ахил...			
Нари-дан-бери	Омоч тиши (қадим.)	Аланга, оташ	Арман ... (Фран-цуз физиги)		Қобикли электр сими	Ҳайём (мута-факкир)	Рим футбол клуби	Кварц гуруҳига кирувчи минерал	Сувли буюк	... Каре-нина» (Толстой асар)	Бино чизмаси		Баста-кор ёзуви	Куймоқ қозон-часи	Эден ... (футбол, «Челси»)	
Асл, тоза				Лом... демади				Нашр этмок				Гуруч (русча)				Ука (сино-ним)
Бир бошга бир ...					Ёмон ҳуқиз ... синди-рар				Хунардан ризкинг ...				...-ризо			
Қадимги судья					Осмон, фазо				Тьерри ... (фут-болчи)				Исм (рус)			
Омма					Самолёт нарвони				Киши, инсон				Қоч, ... тур			





# Бировнинг оёғи

Хорун ар-Рашиднинг Баҳлул доно деган фазилатли зотга ҳурмати баланд эди. Чунки бу дарвеш ҳеч тортинмасдан халифага маслаҳат берарди. Халифа ҳам ҳар доим унинг сўзларига қулоқ осар, насиҳатларига амал қилар эди.




чилар кўйнинг лошини топишди. Халифа кўйни ким осиб кўйганини дарров фаҳмлади. — Баҳлулни топиб келинлар, — деб амр қилди.

Баҳлул доно ҳазратлари келганидан сўнг халифага бундай деди: — Кўриб турганингиздек, ҳар кўйни ўз оёғидан осади, аммо унинг хиди бошқаларни роҳатсиз қилади. Шунга ўхшаб жамиятда баъзи кишиларнинг қилган қилмишлари бошқаларнинг тинчини бузади. Хато фасод чикаради. Шу сабабдан ҳаммамиз бир-биримизга тўғри гапни сўзлашга масъулмиз. Сиз ҳам ўзингизга қарата айтилган ҳақ сўзни қабул этинг.

Халифа уни мукофотлаб, янглиш қароридан воз кечди.

Дамин ЖУМАҚУЛ таржумаси.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



### Қашшоқ давлатлар бахтсизлиги сабаби нима?

Бахтиёр давлатлар — ўзларича бахтли, қашшоқ давлатлар бахтсизлигининг сабаби — битта ...

Африка китъасидаги бир нечта давлатларда дўстларим истикомат қилишади. Мен болалигимда Африка давлатларини қашшоқ давлатлар сифатида тасаввур қилар эдим. Хато ўйлаган эканман — Африканинг аксарият давлатлари бой экан. Нефть, газ, кимматбаҳо тошлар, ҳайвонот ва набодод олами, қазилма бойликлар. Ер — бой, амалдорлар — бой, бойлар — бой, бирдан-бир қашшоқ — халқ экан. Ўйлаб қолдим, айрим ўхшаб кетадиган томонларимиз бор ва кўпаймоқда.

Камбағал ва ривожланаётган давлатларни ботқоққа ва орқага тортаётган умумий ўхшашлик — қашшоқ бошқарув.

Қашшоқ бошқарув — ташкилот ёки жамоа бошқарувчисининг нўноқлиги туфайли юзага келади. Бошқарувда энг кўп тарқалган хато — ходимнинг меҳнати рағбатлантирилмаслиги. Айниқса, қашшоқ ва ривожланаётган давлатларда меҳнатни рағбатлантиришда хатоликлар ва ноҳақликлар кўп кузатилади. Натижада, бу инсон омилнинг юксалишига салбий таъсир кўрсатади. Қашшоқ бошқарув — коррупционер ходимларни тарбия қилади.

Бошқарувда тарқалган кейинги катта хатоликлардан бири — негатив муҳит. Раҳбарнинг кимгадир ён босиши ёки бир томонни қўллаб-қувватлаши оқибатида ташкилотда гуруҳлар пайдо бўлади, ғийбат авж олади. Бунинг ечими оддий — мулоқот, ҳар бир ходим билан тенг муносабат.

Қашшоқ бошқарувнинг бошқа бир сабаби — қайсарлик, тингламаслик ва ўзгаришдан бўйин товлаш.

Номуносиб феъл-атворга эга инсонларнинг бошқарувга келиши камбағал ва қашшоқ мамлакатларда кўп кузатилади. Натижада, кўркув, таҳдид ва зўравонлик орқали бошқариш тизими юзага келади.

Бугун камбағал давлатлар учун коронавирусдан зарарлироқ душман — гуруҳбозлик. Юқоридаги ҳолатларда омон қолишни истаган жонсарақ ходимлар зудлик билан у ёки бу томонга қўшилишади ва кимгадир хизмат қилишга ўтади. Хизмат қилишни истамаганларга эса зулм қилинади. Ёмон тизим яхши ходимни қайта-қайта қалтаклайди. Яхши ходимлар аслида ёмон ташкилотдан эмас, ёмон бошқарувчидан кочиб кетишади.

Кемадаги штурвал тўрт томонга тортилгани учун жабртини халқ тортади — ўнта ёки юзта ташкилотдаги қашшоқ бошқарув миллатнинг қашшоқлиги, бора-бора эса миллатнинг қарамлиги ва тобелиги билан яқун топади.

Қашшоқ тақдирини Худодан кўради, аммо аслида бунинг замирида қашшоқ бошқарув ётган бўлади. Бу сўзларни Африкадаги дўстларимга қарата айтар эканман, уларни яна кимлардир тинглашини хохлаяпман.

Шухрат САТТОРОВ, журналист

Бир кун нимадир бўлиб халифа қандайдир масала юзасидан янглиш қарор чикарди. Баҳлул доно ҳазратлари унга бу қарорини ўзгартириш кераклигини айтди. Аммо бу гап халифага малол келиб:

— Сиз айтишингиз керак бўлган гапни айтдингиз, гуноҳ сиздан соқит бўлди. Менинг қилган ишимдан сизга зарар етмайди, Ахир ҳар кўйни ўз оёғидан осади-ку, — деди.

«Ҳар кўйни ўз оёғидан осадилар», дегани халқ мақоли. Маъноси, ҳар ким қилган гуноҳи учун

жазосини ўзи тортади, бировнинг гуноҳи бошқа одамга юкланмайди, деганидир. Бир қарашда бу гап тўғри. Бирок бошқа жиҳатдан, мўминлар бир-бирларининг ойнасидир, яъни уларнинг бири иккинчисига тўғри маслаҳат бериши Аллоҳ таолонинг амридир.

Шунинг учун Баҳлул доно ҳазратлари халифага эса қоладиган дарс бермоқ истади. Бир кўйни сўйиб сарой боғидаги кўздан пана жойга оёғидан осиб қўйди.

Бир-икки кун ўтиб боғда бадбўй хил таралди. Бу хиднинг қаердан чикаётганини излаган хизмат-

**ЖАВОҲИР**

**Икром ОТАМУРОД**

\*\*\*

Юғура вақт. Тиришади йўл. Кутама. Мижиқлар хавотир. Ховлиқиб келаётган ўнгу сўл, Яна-да ховлиқиб кетаётир.

Қарайман. Умидим масради тугайди. Тураман синиқиб. Интизор руҳининг ҳасрати кафтимда терлайди димиқиб.

Келмадинг. Биргина сас чўнгра — яримлабди томоша тани. Алам билан ғижимлаб, сўнгра, йиртиб ташлайман айбсиз чиптани.

**ПАЗАНДАЛИК**

## Витаминли салат

Витаминли салат — бу масаллиқлари доимо қўл остингизда бўлган, тайёрлашга бор йўғи 10 дақиқа вақтингиз кетадиган мазали салат. Унинг ёрқин ва иштаҳани очадиган кўриниши тунлик ва кечки овқатни янада кўркам қилади.

Бу салатни зўғит ва балиққа гезак сифатида ҳам дастурхонга тортиш мумкин. Қоматиға эътиборлилар учун айна мудаа.

**Кераклик масаллиқлар:**



Ярим бош қизил қарам, 2 дона бодринг, 1 дона памидор, ярим бош қизил пиёз, ярим бош шивит, яримта лимон шарбати, бир бош саримсоқнинг 2 бўлаги, 2 ошқошиқ зайтун ёғи, таъбга кўра туз ва мурч.


**Тайёрлаш:**

Қарамни юпқа тўғраймиз ва туз билан шакарни соламиз. Катта идишга солиб, қўлда яхшилаб аралаштирамиз. Помидор ва бодрингни юпқа айлана шаклда тўғраймиз. Пиёзни ярим ҳалқа шаклида тўғраймиз. Саримсоқ ва шивитни майда тўғраймиз ва қолган सबзавотлар устидан соламиз. Мурч ва туз соламиз. Зайтун мойи соламиз ва лимон шарбатидан сепамиз. Ликопчага солиб, дастурхонга тортамиз.

**Ёқимли иштаҳа!**



**КАРИКАТУРА**



Махмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган.

**ОИЛА ДАВРАСИДА**  
Jijimoiy-aijoviy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» гезатаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи маркази Кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабан».

**Бош муҳаррир**  
Хусниддин БЕРДИЕВ


Гезатда интернет материалларида ҳам фойдаланилган.  
Гезата 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарҳ» нашриёт-нотбоа акциядорлик компанияси Босмақавсидан чоп этилади.  
Босмақавс манзили: Тошкент шаҳри, Бўж Тўрон кўчаси, 41.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Гезата тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-537  
ISSN 2181-6190 Оубун индекс — 193  
Адади: 1 945 нуса.  
Нархи: келингув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табак.  
Объект усулида босилган.

Чоп этишга топширилади: 02:00



123-56